

ёритгичларини, электр иситиш ва иссик сув билан таъминлаш қурилмаларини ўчириб кўйиши талаби бажарилмаганда;

Суд органларининг қонуний кучга кирган қарорларига асосан.

Истеъмолчилар ва субистеъмолчилар (ижарачилар), тадбиркорлик субъектлари ёхуд фукаролар ўртасида турли хил низоли (келишмовчилик) ҳолатларда, факатгина суднинг қонуний кучга кирган қарорларига асосан Таъминотчи корхона электр тармоқдан ажратиш ёки қайта улашни амалга оширади.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, “Истеъмолчи”ни қонун хужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. “Истеъмолчи” томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно, лекин ҳисоблагичга ташки таъсир курсатиш ёки бошка харакатлар учун жойига чиқкан ҳолда тармоқдан ажратилгандан ЭҲНАТга уланган истеъмолчилардан ҳам қайта уланиш учун тулов ундирилади).

Таъминотчи корхона етказиб берилган электр энергия учун қарздор бўлган Истеъмолчига қарзни беш кун ичидаги тўланиши ҳакида хабардор килишни таъминлайди.

Таъминотчи корхона Истеъмолчини хабардор килинган вақтдан бошлаб беш кун муддат ўтгандан сўнг, Истеъмолчини дебитор қарздорлик учун тармоқдан узиб кўйиш ва уларни қайтадан улашни қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

Қайта уланишда Истеъмолчидан тўлов куни амалда бўлган базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида ҳак ундирилади. Бунда, электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари (ЭҲНАТ)га уланган ҳамда ҳисобга олиш прибори автоматик тарзда ўчириб-ёкиш қурилмасига эга бўлган истеъмолчиларни тармоқларига қайта уланиши учун ҳак ундирилмайди.

3.17. “Истеъмолчи” электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳак тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.18. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари куйидаги ҳоларда аҳоли учун белгиланган тарифларга tengлаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги ЎРҚ 327-сон Конуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳакини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида;

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

Хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари, электр энергиясидан ахолига электр энергияси етказиб бериш мақсадида фойдаланувчи идоравий ва муниципиал уй-жой фонди, юридик шахслар ётоқхоналари, диний ташкилотлар ва оилавий корхоналар, шунингдек, электр энергиясидан аҳоли эҳтиёjlари учун